

# Чегараолди ҳудудлари ҳамкорлиги – ривожланиш гарови



## Фарғона ҳақиқати



Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган <http://farhaqiqat.uz/>

[t.me/farhaqiqati](https://t.me/farhaqiqati)

2021 йил 22 апрель, пайшанба

№ 34 МАХСУС СОН (24527)

**Банй Одам аъзон яқингарана**

### Ҳақиқати Суғд

Нашрия Мақомоти Иқтисодий Ҳокимияти давлатии вилояти Суғд

**СУҒД ҲАҚИҚАТИ**

1993 йилнинг 1 июлидан чиқа бошлаган

суғд-хақиқати.тj  
суғд-хақиқати@mail.ru

**Суғд вилояти давлат ҳокимияти ижроия органи нашри**

## Баткен таңы

Баткен облустуққоомдук саясий сазум



**Ўзбек, тожик ва қирғиз халқлари азалдан тинч-тотув, аҳил-иноқ яшаб келган. Халқларимиз тарихи, маданий ва диний қадриятлари муштарак, аъна ва урф-одатлари ўхшаш. Айниқса, кейинги тўрт йилда давлатларимиз ўртасидаги яқин қўшничилик алоқалари мустаҳкамланди.**


**Хайрулло БОЗОРОВ,**  
Фарғона вилояти ҳоқими

## ВОДИЙМИЗНИ БИРГАЛИҚДА ОБОД ЭТАМИЗ!

**Ражаббой АҲМАДЗОДА,**  
Суғд вилояти Раиси, Тожикистон Олий Мажлиси юқори палатаси Раисининг биринчи ўринбосари



Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун,  
Дўстлар дийдоридан бўлмас устун.  
Хар қанча бўлса ҳам оламда аччиқ,  
Аччиқроқдир доно дўстдан айрилиқ.



экспорт қилинди. Шу йилнинг уч ойида биз Ўзбекистондан йигирма саккиз миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган турли хил маҳсулотлар олиб, тўққиз миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилдик.

## ЯҚИН ҚЎШНИЧИЛИК АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Президентимизнинг очиқ ва прагматик сиёсати, хорижий давлатлар, аввало, қўшни мамлакатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш борасидаги ташаббуслари натижасида Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди. Чегаралар очилди, борди-келдилар йўлга қўйилди. Бу эса халқларимизни янада бир-бирига яқинлаштирди.

бошқа соҳалардаги алоқалар тобора ривожланиб бормоқда. Хусусан, чегараолди вилоятлар билан ҳамкорлик янада фаоллашаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳудудларимиз ўртасида илмий-амалий конференциялар, симпозиумлар, семинар ва форумлар, ёшлар ўртасида фан олимпиадалари, санъат фестиваллари ва спорт мусобақалари доимий тарзда ташкил этиб келинмоқда.

2019 йилда Фарғона вилояти тadbirkorлик субъектларининг Тожикистон Республикаси билан ташқи савдо айланмаси 38,0 млн. АҚШ доллари ташкил этди. 70 дан ортиқ корхоналар томонидан Тожикистон Республикасига экспорт амалга оширилди.

Утган йил мобайнида эса ташқи савдо айланмаси 40,3 млн. АҚШ доллари шундан, экспорт ҳажми 21,0 млн. АҚШ доллари, импорт 19,3 млн. АҚШ доллари ташкил этмоқда.

Ҳозирги кунда вилоятимизда Тожикистон Республикаси тadbirkorлари билан ҳамкорликда ташқи эитилган 5 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш мақсадида Фарғона вилояти томонидан қиймати 4,0 млн. АҚШ долларидан 7 та экспорт шартномалари тақлифи ишлаб чиқилди.

2020 йилда Фарғона вилояти ва Қирғизистон Республикаси вилоятлари ўртасида импорт-экспорт операциялари умумий қиймати 159,8 миллион АҚШ доллари ташкил этди. Шундан 124,4 миллион экспорт ва 35,4 миллион долларлик импорт амалга оширилган.

Бугунги кунга келиб, Фарғона вилоятида 30 та Қирғизистон капиталли ишторида кўшма корхоналар ташкил этилган бўлиб, бу орқали 375 та иш ўринлари яратилган.

Вилоятимизда бугун, 22 апрель кунини Боткен ва Суғд вилоятлари раҳбарлари бошчилигидаги делегацияларнинг учрашуви ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш борасидаги масалалар кўриб чиқилиши режалаштирилган. Уйлайманки, бу тadbirkor нафақат иқтисодий соҳада ҳамкорликка, шу билан биргаликда дўстлик ва бирдамликка хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомалӣ Раҳмон ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳурматли Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси ва оқилона ҳаракатларига ҳамоҳан бўлган бугунги кунда қалбимизда туғён урган ҳиссиётларимизни тўлиқ ва аниқ равшан ифодалайди.

Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомалӣ Раҳмон ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳурматли Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси ва оқилона ҳаракатларига ҳамоҳан бўлган бугунги кунда қалбимизда туғён урган ҳиссиётларимизни тўлиқ ва аниқ равшан ифодалайди.

Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомалӣ Раҳмон ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳурматли Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси ва оқилона ҳаракатларига ҳамоҳан бўлган бугунги кунда қалбимизда туғён урган ҳиссиётларимизни тўлиқ ва аниқ равшан ифодалайди.

Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомалӣ Раҳмон ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳурматли Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси ва оқилона ҳаракатларига ҳамоҳан бўлган бугунги кунда қалбимизда туғён урган ҳиссиётларимизни тўлиқ ва аниқ равшан ифодалайди.

## Йўллар Фарғонада кесишганда...

2021 йилнинг 22-23 апрель кунлари Фарғона шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Фарғона, Тожикистон Республикасининг Суғд ва Қирғизистон Республикасининг Боткен вилоятлари расмийлари ва ишбилармонлари иштирокида «Чегараолди ҳудудлари ҳамкорлиги – ривожланиш гарови» мавзусидаги халқаро бизнес-форум бўлиб ўтди.

Асрлар мобайнида аҳил-иноқликда, баҳамжихат ва ҳамфикр бўлиб яшаб келаётган ўзбек, тожик, қирғиз халқларининг қадрият ва аъналарини, турмуш тарзи ўзаро муштаракдир. Шу боис, азалдан ота-боболаримиз бу уч миллатни бир дарахнинг япроқлари сифатида эътироф этишган.

Халқларимиз дўстлигининг шонли аъналарини бугун давом этиб келмоқда. Мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий-сиёсий, ижтимоий, савдо, товар айри-бошлаш, маданий-гуманитар соҳаларидаги алоқалар изчил ривожланиб бораётгани азалий яхши қўшничилик ришталари

ни янада мустаҳкамламоқда. Бундай тенг ҳуқуқли муносабатлар Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон Республикалари Президентларининг олий даражадаги учрашувларида эришилган келишувлар натижасидир. Фарғона шаҳрида ташкил этилаётган халқаро миқёсдаги анжуман ҳам ўзаро манфаатли мақсадларга замин яратиши шубҳасиз.

Халқаро бизнес-форум бугун Фарғона шаҳридаги Ислоом Каримов номидаги Театр-концерт саройида очилди. Анжуман олдидан вилоят ҳокимлиги "Қабуллар уйи" да Фарғона, Суғд ва Боткен вилоятлари делегацияларининг расмий

учрашуви бўлиб ўтди. Очик ва дўстона мулоқот тарзидаги учрашувда қўшни давлатлар учун тенг манфаатли келишувлар, худудлар интеграциялашуви, истиқболли лойиҳалар, савдо, импорт-экспорт ҳамда тadbirkorлик субъектлари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг самарали шаклини яратиш бўйича фикрлар алмашилди. Уч чегарадош вилоят раҳбарларининг музокаралари ҳам кўзда тутилган. Сўнгра делегациялар пленар сессияларга бўлиниб, вилоятимизнинг йирик саноат корхоналари – "Кварц" АЖ, "Fergana global textile", "Эко керамика" МЧЖларга ташриф буюришди.

Фарғона вилоятида ишлаб чиқариши модернизация қилиш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳар ва туманларда чет эллик ҳамкорлар билан саноат йўналишида қўллаб-қувватлаш лойиҳалари амалга оширилаётгани янги турдаги ва рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариши имконини кенгайтирмоқда.

Жумладан, бугунги кунда вилоятда тожик ва қирғиз сарможалари иштирокида ўнлаб бизнес субъектлари фаолият юритмоқда. Хорижий инвесторлар учун қўлай муҳит, кенг имконият ва шароитлар яратилган.

Ислоом Каримов номидаги Театр-концерт саройида бизнес-форум доирасида Фарғона вилоятида ишлаб чиқарилган саноат ва хунарманчилик маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди. Шунингдек, саноат шарт-шароитлари ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги йўналишида уч мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида "B2B" шаклидаги учрашувлар бўлиб ўтди.

Эртага, 23 апрель кунини делегация аъзоларининг "Қўқон" эркин иқтисодий зонасига ташрифи режалаштирилган.

Фарғона вилоятида ишлаб чиқариш ҳамда ресурс салоҳиятларидан комплекс ва самарали фойдаланганидан, шу аснода янги иш ўринлари яратиш, натижада аҳоли даромади ва турмуш фаровонлигини янада ошириш имкониятига эга "Қўқон" эркин

иқтисодий зонаси ташкил этилган.

709,3 гектар майдонни эгаллаган "Қўқон" ЭИЗда маҳаллий ва хорижий компанияларнинг ўз бизнесини самарали юритиши учун қўлай инфратузилма, етарли шарт-шароитлар, имтиёзлар мавжуд. Ҳудудда божхона пости ташкил этилгани эса тadbirkorларга ушбу зонадан чиқмаган ҳолда экспорт ва импорт операцияларини амалга ошириш имконини бермоқда. Корхоналар яратилаётган қўлайликлардан унумли фойдаланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ва турини кўпайтириш, янги иш ўринларини яратиш ва энг асосийси, дунё бозорида ўз ўрнига эга бўлиш мақсадида изчи фаолият юритмоқда.

Ҳудудда бугунги кунга қадар фойдаланишга топширилган 46 та саноат корхоналари томони

дан умумий қиймати 316,8 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 7,2 млн. долларлик саноат маҳсулотлари экспортга йўналтирилди. Лойиҳаларни ишга тушириш ҳисобига 3995 та иш ўрни яратилди.

Бизнес-форум режасига асосан қардош халқлар расмийлари ва ишбилармонларининг Учқўприк туманидаги "Мехригиде" МЧЖ, Марғилон шаҳридаги "Хунармандлар маркази", "Golden valley fasteners" МЧЖ, Фарғона шаҳридаги Марказий Осиде-да ягона тошдан қозғаш ишлаб чиқаришнинг "Fergana stone career" МЧЖ, Қўқон шаҳридаги Худодёрхон ўрдасига ташрифлари режалаштирилган. Шунингдек, Фарғона шаҳрининг диққатга сазовор жойларига саёҳат уюштирилади.



Банй Одам аъзон яқингаранд

Нашрия Мақомоти иҷроияи ҳокимияти давлатии вилояти Суғд

СУҒД: рақамлар сўзлайди

Вилоятда 695 та саноат корхонаси фаолият юритмоқда.

2021 йилнинг

Январь—Март ойларида

саноат корхоналари ва хусусий тадбиркорлар томонидан 4368,9 миллион сомонийлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Хусусий тадбиркорлар ҳисобидан — 9,7 миллион сомонийлик ёки 6,8 фоиз, МЧЖлар ҳисобидан — 39,1 миллион сомонийлик ёки 27,3 фоиз, асосий фондлар ишга туширилди.

Дастлабки уч ойида

тўқимачилик ва тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 109,5 фоизни ташкил этди.

Январь—Март ойларида

барча инвестиция манбалари ҳисобидан 143,6 миллион сомонийлик асосий фонд ишга туширилди.

Январь—Март ойларида

ижтимоий соҳа тараққиётига 155,3 миллион сомонийлик сармоя йўналтирилган.

Январь—Март ойларида

68511 метр квадрат турар жой бинолари фойдаланишга топширилди.

Январь—Март ойларида

экспорт Суғд вилояти ташқи савдо айланмасига нисбатан 28,1 фоиз ва импорт 71,9 фоизни, МДҲ мамлакатлари билан 163,7 миллион доллар ва олис хорижий давлатлар билан 46,2 миллион долларни ташкил этди.

Жорий йилнинг 1 апрелига қадар

маҳсулот экспорти 134,7 миллион долларни ташкил этди.

Экспортга доир асосий шериклар орасида Ўзбекистон тўртинчи ўринга чиқиб олган.

Сўз — тадбиркорга

Мақсадимиз — АҲОЛИ МАМНУНЛИГИ

Биз — тадбиркорларга ҳукуратимиз катта ишонч билдирган. Айни пайтда самарали ишлашимиз учун шароитлар яратилмоқда.



Яқин орада лойиҳаларимиздан бирини амалга ошира бошлаймиз. Унинг ижроси учун асосий муаммо ер эди.

Шавкатжон ТОШМАТОВ, Спитамен ноҳиясидаги «Бахт-2016» масъулияти чекланган жамияти директори.

Сеңи соғиняпмиз, ҚУҚОН!



Мамлакатимизда Тожикистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан «Қишлоқлар ободлиги, халқ хунармандчилиги ва сайёҳликни ривожлантириш» уч йиллиги эълон қилинган.

Аждодларимиз пичоқчи ўтишган. Фақат шахримизда эмас, балки бошқа шаҳар ва қишлоқларда ҳам бобоқалон — уста Холмуҳаммад, бобом — уста Мирзобой, дадам — уста Аҳмад номларини яхши билишди.

Етти ёшга тулар-тулмас дадамнинг устaxonалари-га борардим. Кучим етганча темирга дам беришга ҳаракат қилардим.

Бундан икки йил олдин Қўқондаги халқро хунармандчилик фестивалида қатнашишга муяссар бўлдим.

Худди Истаравшан каби қадимий хунармандлар шаҳри бўлган Қўқонда ҳам халқ хунарларига эътибор қанчалик катта эканлигини кўрдим.

Фестивалдан қайтгандан сўнг маҳсулотларимиз турини кўпайтириш, янгича нақш, безаклар қўллаш устида иш бошладик.

Истаравшанлик хунармандлар Қўқон фестивалида фақат Ўзбекистондан эмас, балки дунёнинг бошқа мамлакатларидан бўлган дўстлар орттирдик.

Иброҳим МИРЗОЕВ, Тожикистон Рассомлар ва хунармандлар иттифоқи аъзоси.



Ўзбекистонда НОДИРАИ ДАВРОНМАН

Хар гал Ўзбекистонга борганимда, «Хуш келибсиз, Нодираи даврон», «Нодирабегим, Сизни кўрганимдан хурсандман», деган гапларни эшитганимда, фахрлиниб кетаман, худди осмонларда учиб юргандек бўламан.

Айтгандай, Тожикистонда мени кўпроқ Гурдофарид деб аташади. Бу хар икки номни олганимда эса, кинодаги ижро этган ролларим сабаб.

«Ўзбекфильм»да таниқли кинорежиссёр Комил Ғармолов яратган машҳур кинофильмда Нодирабегим образини яратганидан қанчалик шод бўлсам, яна машҳур кинорежиссёр Борис Кимёгаровнинг «Рустам ва Суҳроб» фильмида Гурдофарид образини гавдалантирганимдан шунчалик хурсандман.

Саразм — қадимий қишлоқ

Кишлоғимиз ёнидаги яланг-ликдан тез-тез галати буюмлар топилади. Ё бирон табиий ҳодиса туфайли ер усти очилар ё кимдир нимагадир ер қазир ва тупроқ остидан бир нималар топиб оларди.

«Келинлар қўзғолони» орасида бу энг яхшиларидан бири бўлибди», деганлариди, қувончим ичимга сигмай кетди.

«Ўзбекфильм»да ҳам кетма-кет бош ролларини ижро эта бошладим. «Майсаранинг иши»да Майсара, «Ўткан кунлар»да Ўзбекбойим каби ўнлаб ролларини ижро этишга муяссар бўлдим.

Туғилган қишлоғим аслида мен ҳурмат қилган фарғоналик уч машҳур санъаткор — Лутифхоним ая, Наби ака, Ҳамза ака туғилган Қўқондан унчалик узоқ эмас.

Саразм — қадимий қишлоқ

фольклор фестивалида бунга яна бир бор амин бўлдим. Биз бу фестивалда менинг бошчилигимдаги «Бибиҳў» фольклор ансамбли билан қатнашдик.

Муҳтарам Президентимиз Эмомалӣ Раҳмон ва Ўзбекистон Президентини ҳурматли Шавкат Мирзиёевнинг тарихий хизматлари туфайли тожик ва ўзбек халқлари орасидаги қадимий дўстлик қайтадан мустаҳкамланди.

САРАЗМ — қадимий қишлоқ

Хар гал Панжакентга борганимда ё Саразм ҳақида гап кетганда, шундайгина қаршимда Ашурали ота пайдо бўлади-да, кўзлари ёнганча ўзи яшаётган қишлоқда жуда қадимий тарих ер остида яшириниб ётгани ҳақида сўзлай бошлайди.

Тарихга роса қизикардим. Қўлимдаги буюм қараб, балки бу ерда қадимий одамлар яшаган, улардан қолганлар, деб ўйладим ва тарихчи олимларга кўрсатишга қарор қилдим.

«Ахир улар бронза даврига оид ашёлар-ку! Балки у ер қазиб кўриلسа, қадимий бир шаҳар чиқар...»

«Авалл-кетин усти авайлаб очилган тўрт бинодан бирининг майдони 180 метр квадратдан иборат бўлиб, унинг еттига хонаси бор эди.



Наима Пулатовнанинг саксон йиллик тўйларига қатнашиш.

Сайрам ИСАЕВА, Тожикистон халқ артисти, Ўзбекистоннинг «Олтин хумо» мукофоти лауреати.

Ўринбой УСМОН.



# Баткен таңы

Баткен облустук коомдук саясий газети



## ЧИКАГОГА қуритилган ўрик юборилди

Бизда ўрикни махсус совутигичли оморларда сақлаш ва 200 тоннани чет элга экспорт қилиш имконияти мавжуд, — дейди «Алишдон» кооперативи раҳбари Турсунали Тўломушов. Кооператив раҳбарининг сўзларига кўра, қуритилган ўрикдан ташқари, бар, ўрик твороги, сиропи, мураббоси ишлаб чиқарилиб, дўконларга кўйилади. Янги логистика маркази Қорабоғ

қишлоғида 30 та янги иш ўрни яратилади ва ишсиз аёлларни иш билан таъминлайди. Шундай қилиб, АРИС лойиҳаси кўмаги билан олис Қорабоғ қишлоғида янги иш ўринлари яратилди ва катта микдордаги маҳсулотни чет

элга экспорт қилиш имконияти яратилди. Ўтган йили Боткен вилоятида «Алишдон» кооперативи Россиянинг «Солнечная планета» компанияси билан 1000 тонна ошқовоқ ишлаб чиқариш бўйича шартнома тузди ва 15 гектар майдонга уруф қадади.

гуллари тўкилиб кетди, шунинг учун ҳамкорларимиз минг тонна ошқовоққа буюртма беришди.

Гулчеҳра ТОЖИБОЕВА, Боткен тумани.

## Дийдор ва имконият дарвозаси



Риштон — Сўх йўли очилиши чегаранинг икки томонида яшаётган қирғиз ва ўзбек халқлари учун бирдек қувончли воқеа бўлди. Чегара-ўтказиш пунктининг қайта ишга тушиши катта тантана, тўйга айланиб кетди.

Иллар давомида кўриша олмай, соғинч азобидан қийналиб яшаган инсонларнинг ширин дийдордан бахтиёр чехраларини кўриб, халқларимиз гўёки эт билан тирноқ эканлигини ҳис этиши мумкин. Айни лаҳзаларда улар қалбида кечаётган туйғулари сўз билан ифодалаш қийин, аслида. Дилшоджон Имомалиев Риштон туманининг Октомбир қишлоғида туғилиб ўсган. Тақдир экан, ҳозирда

Қирғизистоннинг Қадамжой туманига қарашли Урикзор қишлоғида яшайди. — Тўнғич фарзандим Ўзбекистонда туғилган, ота-онам ҳам Риштонда истиқомат қилишди, — дейди хажжонини яширмай Дилшоджон. — Икки юрт чегарасини атиги битта ажратиб турса-да, ота уйимга келиб-кетish учун ўн йиллар давомида юз километрлаб масофа босиб, Водил чегара пости орқали ўтишга мажбур эдим. Шунда ҳам тўй ёки маърака учун оила аъзоларим номидан телеграмма жўнатилиши

керак бўларди. Ўзбекистондаги янгилик ва ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларини телевизор орқали кўриб, ҳайрат ва ҳавас билан яшардим. Бугун Риштонни кўриб, кўзларимга ишонмадим. Қадрдон маскан бутунлай янгилашиб, гўзаллашиб кетди. Риштондан Қирғизистоннинг Ақтўпақ қишлоғига келин бўлиб тушган Зайнаб Халилова тўрт фарзанднинг онаси, шириндан-шакар набираларнинг бўвиси. — Бу ерга келин бўлиб тушганимга 30 йил бўлди, — дейди у. — Келин олдим,

қиз узатдим. Аммо яқинларим чегара муаммоси туфайли тўйга келишмади. Иккала тўй ҳам татимай, кўз ёшларим дув-дув тўкилди. Бугун қўшалок хуш-хабарлардан қалбимда чироқ ёнгандек бўлди. Ширин дийдор узоқ йиллик ғам-ғуссаларини аритди. Сўх — Риштон чегарасида бугун ҳаёт қайнайди. Дўстлик ва қардошлик кўприги — божхона постидан ҳар икки томонга ўтаётган одамлар юзидан ўзгача ҳайрат, меҳр ва қувонч балқийди. Бу иқтисодий, маданий алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш учун катта имконият яратяпти.

Абдухалил Тўланов, Қадамжой тумани, Урикзор қишлоғи.

## Қора-ёғоч қишлоғида йўл қурилди

### Қадамжой тумани

Майдан қишлоқ округининг Қора-ёғоч қишлоғида йўл қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Йўлнинг узунлиги 7 км, кенлиги 7-8 метрни ташкил қилади. Ушбу йўл нафақат Майдан қишлоқ округига, балки Марказий ва Кортма қишлоқ ҳокимиятининг экин майдонлари ва яйловларига ҳам олиб боради. Йўл қурилиши 6000 гектардан ортиқ ерни ўзлаштиришга имкон берди. Бунинг сабаби шундаки, илгари йўллар ёмонлиги сабабли транспорт қатнови тўхтатилган эди. Йўл қурилишига ҳомийлар 2,5 миллион сом сарфладилар. Шунингдек, маҳаллий аҳоли ёрдам кўрсатди. — Биз қирғизлар азалдан ҳашар орқали кўп ишларни амалга оширганмиз. Масалан, кимдир қишлоқда уй қурганида, қариндошлар ва қўшнилари белкуррак билан ёрдамга келишган. Чон-Чўй каналини қуриш учун ҳеч қандай техника ишлатилмаган, — дейди фаол Тариев Чункуров.



## Ойгул поклик ва муҳаббат гули

Бу йил баҳорнинг кеч келишига қарамай, ойгул Боткенда гул очди. Дунёда камданкам учрайдиган табиатнинг ушбу совғасига қизқувчилар чет эللardan ва қўшни давлатlardan кела бошладилар. Езувчи ва публицист Топчигул Шайдуллаеванинг сўзларига кўра, Боткенда ойгул ўсган тоғ нафақат қирғизистонликлар, балки сайёҳлар учун ҳам ноёб ва муқаддас масканга айланмоқда.

Ф ақат Боткен ва Афғонистонда ўсадиган ойгул гулининг афсонаси ушбу минтақада яшовчи қаҳрамон Қўзи Бағлан ва у севиб қолган гўзал қиз Ойгул билан боғлиқ. Ватанини душманlardan ҳимоя қилиш учун кетаётган Қўзи Бағлан душманлар қўлида ҳалок бўлди ва унинг хабарини эшитганча, севилиси жарликдан ўзини ташлайди. Ҳайвонот боғи эстагида очилган қизил гул қизнинг номи билан аталган ва севги рамзи сифатида ойгул гули деб номланган. Бу поклик ва муҳаббат гули энди Ойгул тоғини безаб турибди. Боткенни ойгул гуллари ва ўрик боғларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ушбу иккита гўзаллик Боткен ўлкасини ва унинг меҳнатсевар халқини улуғлайди. Болалигини Ойгул тоғида ўтказган Топчигул Шайдуллаева қўйидагиларни сўзлайди: — Мен ойгулни болалигимдан биланам. Ўша пайтларда гул тоғи эстагида ўсарди. Баланд бўйли гулни кўтариб, уйга олиб борардик. Гул ҳидсиз, лекин жуда чиройли, исикни ёқтирамади. Шунинг учун уни ойгули дейишди. Фақат тоғ ён бағирларида ўсади. У баҳорда гуллайди ва апрель ойининг охирида, қуёш қизгандан қурийд.




## Фахрий отамиз

### 102 ёшда

Ашир Раҳматов ҳозирда Боткен туманида истиқомат қилаётган иккинчи жаҳон урушининг ягона фахрийси. У 102 ёшга тўлган бўлса-да, ҳали тетик.

Отамиз қуролдош ўртоқларини тез-тез эслайди, — дейди унинг қизи Сапия Раҳматова. — Айниқса, Ғалаба куни яқинлашганда, кўзига ёш келади, бундай фожиалар қайта бўлмасин, дейди. Ашир ота 1938 йилда ўрта мактабни тугатган, Капчуғай қишлоғидаги мактабда ўқитувчи сифатида иш бошлади. 1940 йилнинг кузида армия сафига чақирилди. У Узоқ Шарқдаги 8-отлик дивизиясида хизмат қилди. 1941 йил август ойидан эса 116-ҳаво-десант полки сафида жангга кирди. 1944 йилнинг август ойида урушдан қайтган Ашир ота узоқ йиллар маориф соҳасида ва масъул лавозимларда ишлади. Олисида жойлашган Зардали, Соғ, Қора-бақдаги мактабларда болаларга сабоқ берди, бир неча билим масканларига раҳбарлик қилди. Шунингдек, меҳнат фаолияти давомида «Билимлар» жамиятининг масъул котиби, сўнгра 15 йил туман, шаҳар фахрийлар кенгаши раиси бўлиб ишлади. Иккинчи жаҳон урушига Боткен водийсидан 21700 киши жўнаб кетган бўлса, уларнинг 14200 нафари жанг майдонидан қайтмади. Тирик қайтиб келган 6553 аскарнинг атиги 4 нафари бугунги кунда фарзандлари, неварачеваралари оғушида умргузаронлик қилмоқда.



**Сўғд** (1939 йилдан 2000 йил июнгача Ленин-обод) — Тожикистон Республикаси таркибидagi вилоят. У республиканинг шимолида жойлашган. Майдони 25,400 километр квадрат. Аҳолиси 2,349,000 кишидан зиёдни ташкил этади. Вилоятда асосан, тожиклар ва ўзбеклар, шунингдек, руслар, қирғизлар, татарлар, украинлар ва бошқа миллат вакиллари истиқомат қилади. Сўғд вилоятида 14 туман, 10 шаҳар ва 21 шаҳарча бор. Маркази — Хўжанд шаҳри. Асосий шаҳарлари: Уструшона (собиқ Ҷратепа), Исфара, Қайроққум, Конибодом, Панжакент, Табашар, Чкаловск.



## Географияси

Сўғд вилояти шимол, шимоли-шарқ, шимоли-ғарб ва ғарбдан Ўзбекистон Республикаси, шарқдан Қирғизистон Республикаси билан чегарадош. Вилоят ҳудуди республиканинг шимолида (Тян-Шан ва Ҳисор-Олай тоғларининг ғарбий қисмида, Сирдарё ва Зарафшон дарёлари ҳавзасида) жойлашган. Рельефи: тоғ тизмалари (Туркистон, Зарафшон, Қурама, Ҳисор) билан бирга, адирлар ва улар орасида водийлар (Сирдарё водийси, Зарафшон водийсининг шарқий қисми) бор. Шимолий қисмида Қурама тизмаси, Мўғултоғ, жанубида Туркистон тизмаси, Зарафшон тизмаси, шунингдек, Ҳисор тизмаси жойлашган.



## Тарихи

1918-1924 йилларда Сўғд вилояти ҳудуди Туркистон АССРнинг Самарқанд вилояти Хўжанд уезди, 1924-1929 йилларда Ўзбекистон ССР, 1929 йилдан Тожикистон ССР таркибида. 1939 йил 27 октябрда вилоят мақоми берилган.



## Иқлими


Иқлими кескин континентал. Ёзи иссиқ. Июлнинг ўртача ҳарорати 9,7 °С дан (Анзоб довои) 27,5 °С гача (Ашт, Хўжанд), энг юқори ҳарорат 45 °С (Хўжанд), 46 °С (Зафаробод). Қиши ўртача совуқ, январнинг ўртача ҳарорати — 12,7 °С дан (Анзоб довои) — 6 °С гача (Хўжанд).

## Табиати ва ҳайвонот олами



Асосий дарёси — Зарафшон (Фондарё ва Ягноб ирмоқлари билан), шунингдек, Исфара, Хўжабақирғон, Оксув (Сирдарё ирмоқлари) ҳам мавжуд. Йирик кўллари: Искандаркўл, Оксуквон. Шунингдек, Қайроққум ва Каттасой сув омборлари бор. Тупроқлари бўз, ўтлоқи ва жигарранг тупроқлар. Усимлик дунёси вертикал минтақалар ҳосил қилган. Текисликлар ва адирларда шувок, лола, тоғ даштларида чалов ўсади, баъзи тоғ ён бағирларида заранг, зирк, арчазорлар учрайди. 3000 метрдан баландроқ тоғларда субалп ва алп ўтлоқлари мавжуд. Ёввойи ҳайвонлардан айиқ, бўри, тулки, кийик, товушқон, жайра, бўрсиқ, қобон, сибир тоғ эчкиси, қор қоплони; қушлардан кирғовул, улор, каклик, бўлбул, каптар, майна, қизилиштон, зог, ўрдак яшайди; балиқлардан лаққабалиқ, сазан, зоғорабалиқ ва бошқалар бор.

## Саноати



Сўғд вилояти Тожикистоннинг бошқа вилоятларига нисбатан анча ривожланган. 1980-90 йилларда республика саноат маҳсулотининг 35 фоиз, жумладан, кўмир қазиб чиқариш 100 фоиз, гилам тўқиш 99 фоиз, газ ишлаб чиқаришнинг 93 фоизи вилоят ҳиссасига тўғри келган. Айни пайтда металлсозлик, енгил, озиқ-овқат, кончилик саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, Анзоб руда комбинати, Шўрб кўмир қони ҳамда Чкаловскадаги комбинатлар, Қайроққум ГЭС, Хўжанд шойи тўқиш, Қайроққум гилам тўқиш корхоналари, шунингдек, озиқ-овқат (консерва, ун, ёғ-мой, вино, қандолатчилик цехлари), пахта тозалаш заводлари мавжуд.

## Қишлоқ хўжалиги

Қишлоқ хўжалиги муҳим соҳалари — пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, тоқчилик ҳамда пиллачиликдир. Сўғд вилоятида республика қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 30 фоизи ишлаб чиқарилади. Шунингдек, вилоятда пахтанинг 27 фоиз, пилланинг 50 фоиз, тамакининг 89 фоиз, сабзавот маҳсулотларининг 50 фоизи етиштирилади. Қишлоқ хўжалиги экинлари, асосан, Катта Фарғона канали, Шимолий Фарғона канали, Тожикистон, Марғодар, Сомғар насос станциялари, Хўжабақирғон, Мирзачўл, Деҳмайд, Каттасой ва Ашт каналларидан сугорилади.



## Ташқи савдо айланмаси

2021 йил якунига қўра, Сўғд вилоятида ташқи савдо айланмаси 1 миллиард 667,6 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Бундан импорт 1 миллиард 313,8 миллион, экспорт 353,8 миллион АҚШ долларига тенг.

## Транспорти

Душанба — Конибодом йўналишидаги Транстожиқ темир йўли Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтади. Темир йўллар узунлиги 173,2 км. Вилоятнинг республика маркази билан боғловчи автомагистраль йўли Шахристон (баландлиги 3378 м), Уструшона ва Айний ораллигида (Туркистон тизмасида) ва Анзоб (баландлиги 3372 м, Айний ва Варзоб ораллигида, Ҳисор тизмасида) доволари орқали ўтганлиги боис, ноябрь ойидан май ойигача ҳаракат қисман чегараланади.



**Боткен вилояти** 1999 йилнинг 12 октябрида Ўш вилояти таркибидан Боткен, Қадамжой, Лайлак туманлари ва Қизилқия, Сулукта шаҳарлари ажралиб, алоҳида вилоят бўлиб ташкил топган. 2000 йилда туман маркази Боткен ва 2001 йилда Исфана қишлоқлари шаҳар мақоми олга. Вилоят ҳудудида 3 туман, 6 шаҳар (3 та вилоят мақомидаги — Боткен, Қизилқия, Сулукта, 3 та туман мақомидаги — Исфана, Ҳайдарқон, Қадамжой), 1 та шаҳар типидаги посёлка, 31 та овул мавжуд. Вилоят маркази Боткен шаҳри.



## Тарихи

Боткен Қирғизистон Республикаси етти вилоятининг энг ёши бўлган маъмурий бирлиги ҳисобланади. Боткен номи сўғдийлар тилидан олинган ва «шамол шаҳри» деган маънони англатади. Вилоят маъмурий маркази Боткен аҳолиси 16,6 минг кишини ташкил этади.

## Географияси

Боткен вилояти Қирғизистон Республикасининг жануби-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, Помир-Олой тоғлари ён бағирлари ва Фарғона водийсининг бир қисмини эгаллайди. Вилоят жануби-ғарбий ва шимоли-ғарбда Тожикистон, шимолий-шарқда Ўзбекистон, шарқда Ўш вилояти билан туташган. Вилоят ҳудудида бошқа давлатларга тегишли бир қанча анклавлар мавжуд. Майдони 17,0 минг километр квадрат ёки республика ҳудудининг 8,5 фоизини ташкил қилади. Денгиз сатҳидан 400 дан 5500 метргача баландликда жойлашган.

**Миллатлар таркиби:**  
Қирғизлар - 279 750 (57,3%)  
Ўзбеклар - 172,202 (34,6%)  
Тожиклар - 33 847 (6,8%)  
Руслар - 2,579 (0,5%)  
Татарлар - 1 505 (0,3%)

## Иқтисоди



Экспорт ҳажми: \$16.5 млн.

Импорт ҳажми: \$40.5 млн.

Аҳолиси: 546.400 киши.

Кичик корхоналар сони: 271 та.

Ўрта корхоналар сони: 29 та.

## Иқлими



Боткен совуқ дашт иқлимига эга. Ўртача йиллик ҳарорати 11,6 °С. Ҳар йили тахминан 367 мм (14,45 дюйм) ёгингарчилик бўлади.

## Асосий саноат турлари



**Ишлаб чиқариш**      **Кончилик**

Электр, газ таъминоти

Сув таъминоти, тозалаш, чиқиндиларни қайта ишлаш ва икклимачи хомашё.

Боткен вилояти иқтисодиёти республиканинг саноат мажмуасида муҳим аҳамиятга эга. Минтақадаги иқтисодий ривожланишда аҳолининг меҳнатсеварлиги алоҳида ўрин тутди. Саноат нафақат вилоят иқтисодиётида, балки республикада ҳам муҳим роль ўйнайди. Вилоятда мамлакатнинг жами сурма, симоби, шунингдек, 20,4 фоиз кўмир, 19,6 фоиз ферментланган тамаки ва 35,5 фоиз миллий гилам ишлаб чиқарилади.

Қирғизистон сурма ва симоб ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Минтақа дунё истеъмолчиларини 20,0 фоиз сурма ва 15,0 фоиз симоб билан таъминлаб келмоқда. Қадамжойдан олинган сурма 1958 йилдан бери қўллаб мамлакатларга жаҳон бозорининг стандарти сифатида экспорт қилинмоқда. Натيجида минтақа бу маҳсулотларнинг асосий экспортчисига айланди.

Рангли металлургия, озиқ-овқат, ун тегиримони ва аралаш ем-хашак, қурилиш материаллари саноати вилоят ишлаб чиқарадиган маҳсулотнинг 95,0 фоизини ташкил қилади. Сўнгги йилларда нефть ва газ саноати пайдо бўлди. У Арка ва Бургундия массивларидаги конлардан иборат. Минтақанинг йирик саноат корхоналари «Қизилқия тамаки» АЖ, «Аидаркен симоб заводи» АЖ, «Қадамжой сурма заводи» АЖ, «Нур» АЖ, «Қизилқия кон» компанияси, «Сулукта кўмир» АЖ, «Қизилқия кўмир» АЖ, «Қизилқия дон маҳсулотлари» АЖдир.

Боткен вилояти ҳудудида жойлашган Ойгул тоғ этакларида ўсадиган ойгул гули вилоят рамзи ҳисобланади. Унинг тасвири вилоят байроғи ва гербига туширилган. Ойгул фақат йилда икки-уч ҳафта, апрель ойида гуллайди. У ҳидсиз, лекин жуда чиройли гул, ноёблиги боис «Қизил китоб»га киритилган. Ойгул гули ҳақида қирғиз халқи ўртасида турли афсоналар мавжуд. Маҳаллий халқ уни поклик ва муҳаббат гули деб атайд.



<p><b>МУАССИС:</b> «Farg'ona haqiqati» va «Ferganskaya pravda» gazetalarini tahririyati» MChJ</p>	<p><b>Бош муҳаррир:</b> Муҳаммаджон ОБИДОВ</p> <p>Газетадан материал кўчириб босилганда «Фарғона ҳақиқати»дан олинди» деб кўрсатилиши шарт.</p>	<p>Офсет усулида А-2 форматда (4 бет) чоп этилди. 2007 йил 9 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фарғона вилоят бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.</p> <p>Газета таҳририятига юборилган кўлёзма ва суратлар қайтарилмайди.</p>	<p>Газета «Полиграф-Пресс» МЧЖ босмаҳонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида чоп этилди. Манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236-«б» уй.</p> <p>Босишга топшириш вақти: 19.00. Топшириш вақти: 19.00.</p> <p>Буюртма: 271 Индекс: 7521 Адади: 9 706</p>	<p><b>Бизнинг манзил:</b> 150114, Фарғона шаҳри, Сохиқбирон Темур кўчаси, 28-уй. Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73-226-02-70. Реклама ва эълонлар: 73-226-71-24.</p> <p>Сахиқаловчи Алишер Розиков.</p>
---	---	---	--	---

